

ЎЗБЕК САНЬАТИ РИВОЖИДА БАСТАКОР, СОЗАНДА, ХОНАНДА ШАРИФЖОН АКРАМОВНИНГ ИЖОДИ ХУСУСИДА

Мамадолимова Малика

Ўз.ММСИ “Мақом хонандалиги” кафедраси ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14578757>

Аннотация. Уибу мақолада соҳамиз ривожига хисса қўшган мохир ва истеъодоли бастакор Шарифжон Акрамов хақида ёзилган бўлиб, унинг ижод иўлидаги қилган меҳнатлари, мусиқали драмма театри учун яратган асарлари хақида сўз боради.

Хамнафас ишилаган машхур санъат вакилларининг хамкорлигидага созандалик, хонандалик, мақом ижрочилик билимларини тезда ўрганади. Ш.Акрамов ва жуда кўплаб ўзбек, тожик, яхудий ёшлиари ана шу ижодий атмосферада тарбияланар, устозлари иўлидан бориб, том маънода миллий маданиятимизнинг ҳақиқий жонкуяр фидоийларига айланган эди. Ўз навбатида бастакор Ш.Акрамов жуда кўплаб санъат фидоийларини тарбиялади, уларни миллий маданиятимизнинг яратувчиларига айлантируди.

Калим сўзлар: бастакор, созанда, ёзувчи, санъат, сахна, вокал, миллий, мусиқа, Самарқанд, театр, ижод, хонанда.

ABOUT THE WORK OF COMPOSER, ARRANGER, AND SINGER SHARIFJON AKRAMOV IN THE DEVELOPMENT OF UZBEK ART

Abstract. This article is written about Sharifjon Akramov, a skilled and talented composer who contributed to the development of our industry, and talks about his creative works and works created for the musical drama theater. Khamnafas quickly learns the knowledge of music, singing, and performance in the collaboration of famous artists with whom he worked. Sh. Akramov and many Uzbek, Tajik, Jewish youths were brought up in this creative atmosphere, following the path of their teachers, they literally became true devotees of our national culture. In turn, the composer Sh.Akramov raised many devotees of art, turning them into creators of our national culture.

Keywords: composer, musician, writer, art, stage, vocal, national, music, Samarkand, theater, creativity, singer.

О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОМПОЗИТОРА, ТВОРЦА, ПЕВЦА ШАРИФЖОНА АКРАМОВА В РАЗВИТИИ УЗБЕКСКОГО ИСКУССТВА

Аннотация. Данная статья написана о Шарифжоне Акрамове, искусном и талантливом композиторе, внесшем вклад в развитие нашей отрасли, и рассказывается о его творчестве и произведениях, созданных для музыкально-драматического театра. Хамнафас быстро осваивает знания в области музыки, пения и исполнительства в сотрудничестве с известными артистами, с которыми он работал. Ш. Акрамов и многие узбекские, таджикские, еврейские молодые люди воспитывались в этой творческой атмосфере, следуя по пути своих учителей, они в буквальном смысле слова стали истинными приверженцами нашей национальной культуры. В свою очередь, композитор Ш.Акрамов воспитал немало ценителей искусства, превратив их в творцов нашей национальной культуры.

Ключевые слова: композитор, музыкант, писатель, искусство, сцена, вокал, национальная, музыка, Самаркандин, театр, творчество, певец.

Бастакор, созанда, хонанда ва қўшиқ ёзувчи шоир Шарифжон Ақрамов ўзбек миллий мусиқа санъатига улкан ҳисса қўшган санъат арбобларидан бири эди. У ўтган асримизнинг 30-йилларида ижод қилган улкан фан, маданият, санъат намояндлари Воҳид Абдуллаев, Юнус Ражабий, Ҳожи Абулазиз Абдурасулов, Рихси Ражабий, Шоҳназар Соҳибов, Шариф Бобокалонов, Гавриэл Муллақандов, Давид Муллақандов, Михаил Толмасов, Зиёдулла Шаҳидий, Дони Зокиров, Толибжон Содиков, Набижон Ҳасанов, Рустам Мансуров, Асрор Жўраев, Аъзам Камолов, Жавод Обидов, Ҳожиқурбон Аҳмедов, Солик Исмоилзода, Шамси Қиёмов, Самад Фани, Фани Абдулло, Ҳикматилла Раҳматиллаев, Жалол Хўжаев, Набирахўжа Валихўжаев, Ҳабиб Юсупов, Саъдулла Жўрабоев, Ҳошим Нарзиқулов, Абдулла Бадрий, Ҳожи Муйин Шукрулло, Аҳад Сулаймонов, Абдурауф Болтаев, Ғулом Абдураҳмонов, Бақо Тоҷиев, Мирбобо Зиёев, Самар Саъдий, Бурҳон Тўраев, Шариф Ҳудойбердиев, Ҳалима Зафарий, Зайнаб Содиковна, Зоҳид Содиков, Назира Энагамова, Фотима Хўжаева, Мавлюда Аъзамова, Мавлон Муҳиддинов, Ҳанифа Мавлонова, Қамар Шамсий, Аҳмаджон Умрзоков, Қаюм Faффоров, Гулчехра Субҳонкулова, Зоҳида Бурнашева, Афиға Уралская, Лола Сайфуллина каби саҳна санъатига ўз ҳаётини бағишлиланган устозлар билан ҳамнафас ижод қиласи. Бири билан саҳнадош, бири билан партнёр, ё, дублёр бирига устозу, бирига шогирд бўлган Шариф Ақрамов миллий мусиқа ва театримиз равнақига 50 йил хизмат қилдилар. Шариф Ақрамов мақом санъатининг йирик ижрочиларидан Юнус Ражабий, Рихси Ражабий, Ҳожи Абулазиз Абдурасулов, Имомжон Иқромовлар (пед билим юртида, санъат институти)-дан созандалик ва хонандаликнинг мураккаб сир-асрорларини ўрганган бўлса, саҳна санъати бўйича Ҳошим Нарзиқулов, Саъдулла Жўрабоев, Жавод Обидов, Асрор Жўраев каби режиссёrlардан таълим олгандилар.

Театрда саҳналаштириладиган мусиқали асарларда одатда мусиқали роллар учун аниқ овозга мослаб партиялар ёзилади. Бўлажак бастакор Шариф Ақрамов мусиқали драмадаги бош партияларни айтиб келаётган Ғулом Абдураҳмонов, Бурҳон Тўраев, Абдурауф Болтаевлар (Ўзбекистон ва Тоҷикистон халқ артистлари) ни ҳамиша вокаль бўйича устоз деб атар эдилар. Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов, Толибжон Содиковлар даврасида Шариф Ақрамов бастакорлик (кашфиёти)ни ўрганади. Мавлон Муҳиддинов, Шоҳназар Соҳибов, Шариф Бобокалонов, Юнус Ражабийлардан бўлажак созанда дутор, най, танбур каби қатор миллий мусиқа асбобларида мақом шўъбаларини профессионал даражада ижро этишни ўрганади. Илк бор республика пойтахти бўлган Самарқанд 5 (1924-1930) йилдан кўпроқ том маънода йирик маданият маркази, театрлар шаҳри, ижодкорлар масканига айлангани учун ҳам бу улкан шаҳарда жуда кўплаб давлат арбоблари, фан ва маданият даҳоларининг ўчмас изи, ўлмас руҳи абадий сақланиб қолган эди. Шунинг учун Ш.Ақрамовга ўхшаган жуда кўплаб ўзбек, тоҷик, яҳудий ёшлари ана шу ижодий атмосферада тарбияланар, устозлари йўлидан бориб, том маънода миллий маданиятимизнинг ҳақиқий жонкуяр фидоийларига айланган эди.

Бастакор Шарифжон Ақрамов таваллудининг 90 йиллик юбилейи 2003 йилнинг 15 майда ўзи ижод этган собиқ Давлат опера ва балет (ҳозирги X.Олимжон номидаги Давлат драма ва мусиқа) театрида катта тантана билан нишонланди.

Унда шаҳар, вилоят ҳокимияти раҳбарияти, ҳалқ маорифи ва маданият ходимлари, устознинг шогирдлари, театр санъат арбоблари бу ажиб юбилейни ХОТИРА кечасига айлантирилар. Бастакор асарларидан тузилган ажойиб санъат гулдастасида устознинг муборак номлари баралла эшитилиб турди.

Шарифжон Акрамовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида Ўзбекистон ҳалқ шоири Нормурод Нарзуллаевнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” рўзномаси (2003. 15. 05.)да катта мақоласи, “Театр” журналида “Эл ардоқлаган бастакор” мақолалари босилиб чиқди. Устоз ҳақида С.Йулдошев, Ҳ.Нормуродов, У.Хурсандов, Ф.Розиқовлар, у кишининг фарзандлари Туйғун, Санобар, Комил, Аминжонлар дил сўзларини изҳор қилдилар ва ниҳоят, энг ёш артистлардан Юнус Юсуфзода, Шуҳрат Санакулов, Латиф Каримов, Дилнаво Шерматова, Фароғат Жўраевалар “Шоир орзусига қанот бўлайлик” деб номланган мусиқали адабий композицияни намойиш қилдилар.

Устоз санъаткор, Ўзбекистон ва Тожикистанда машҳур бўлган ҳофиз, бастакор ҳамда йирик санъат арбоби Шарифжон Акрамов том маънода икки қон-қондош миллатларнинг азиз фарзанди эди. Ул зот ўзбек, форс-тожик мумтоз шеърларига, ҳам ўзи билан замондош бўлган шоирларнинг лирик ғазалларига, қўшиқларига куй босталаб, куйлаб келарди.

А.Рудакий Самарқандий, Лутфий, Саккокий, Носир Хисрав, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Рашидий Самарқандий, Абдулмалик Бурҳоний, Собир Термизий, Анвар Авеберди, Саъдий Шерозий, Хўжа Ҳофиз Шерозий, Амир Хисрав Деҳлавий, Заҳиридин Бобур, Зебунисо, А.Фирдавсий, Абу Али Ибн Сино каби форс-тожик, форс-эрон, ўзбек классик шоирлар меросини Ш.Акрамов жуда яхши биларди. Нодира, Увайсий, Пошишахўжа, Амирий, Ҳувайдо, Муқумий, Фурқат ғазалларини севиб куйларди. Ёшлигидан шеъриятга ошно бўлган устоз XX асрнинг 30 йилларидаёқ ғазаллар билан бирга лирик шеърлар ҳам ёзаган. Устознинг сўнгти йилларда битилган 50 та қўшиқбоп лирик ғазалларини ўқирканмиз, буларда биз ҳалқимизнинг бой меросидан баҳраманд бўламиз.

Энг мухими, бу ғазалларда устознинг оташнафас, дилларни куйдирувчи, дилларга ором берувчи, мусаффо севги ҳарорати билан сугорилган, ошиқ аҳлининг дардларига, қувонч ва ўқинчларига дуч келамиз.

REFERENCES

1. “Рустам” (У.Исмоилов), 1938 йил.
2. “Қутлуг қон” (Ойбек), Н.Ҳасанов билан ҳамкорликда, 1957 йил
3. “Қора қўланкалар”, Н.Ҳасанов билан ҳамкорликда, 1936 йил
4. “Бой ила хизматчи”, В.А. Шперлинг, Л.Г.Найгофлар билан ҳамкорликда, 1940 йил.
5. Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug‘ati. 4 tomlik. 1-tom. Toshkent: Fan, 1983.
6. Pirmatova N. XONANDALIK VA HOFIZLIK MAHORATI //Art and Design: Social Science. – 2024. – Т. 4. – №. 06. – С. 24-27.
7. Pirmatova N. PROBLEMS OF VOICE ADJUSTMENT IN MAQOM SINGING EDUCATION //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 22. – №. 1. – С. 39-43.